

Дунё эпик шеъриятининг гултожларидан бири «Маснави маънавий» мингдан зиёд ана шундай ибратомуз хикоятлар мажмуаси бўлиб, 25 минг байтдан иборат. Унинг муаллифи буюк мутафаккир, файласуф шоир Жалолиддин Румий ёки Мавлавий Румийдир. Бўлажак санъаткор Жалолиддин 1207 йили Балхда зиёли оиласида тугилади. Унинг отаси Баховиддин Валад сўфизм ва фикх донишмандларидан бўлиб, замонасининг энг обрўли алломаси эди.

Шунинг учун хам Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199-1220) уни саройга даъват этади. Лекин Валад бу таклифни рад этиб, мактабдорлик хамда илмий-ижодий ишлар билан машгул бўлади. Унинг обрўси кундан-кунга ошиб, турли ўлкалардан шогирд-лар окиб кела бошлайди. Буни кўролмаган Хоразмшоҳ саройда унга нисбатан бўхтон таркатади. Султон газабидан кўрккан Валад Жалолиддинни 6 яшарлигида 400 шогирди ва оиласи билан олиб Маккага караб сафарга жўнайди. Баховиддин Валад йўлда Хуросону Эроннинг кўп шаҳарларида яшаб, замонасининг буюк дониш-мандлари билан хамсухбат бўлади. Жумладан, Нишопурда Фаридуддин Аттор хузурида бир неча ой яшайди. Аттор ёш Жалолиддинга меҳр кўяди, кейинчалик «Асрорнома» дос-тонини унга бағишлайди. Жалолиддин Дамашк ва Бағдод мадрасаларида, буюк олимлар хузурида илм ўрганишни давом эттиради, Халабда хадис, тарих, фалсафа, калом ва илми бадеъ алломаларидан бўлмиш Умар бинни Ахмад бинни Хиббатуллох устози Саид Бурхониддиндан дарс олади. Румийнинг шахс сифатида камолга етиши ва шаклланишида Бурхониддиннинг таъсири кучли. Ана шу йиллардан бошлаб у «Румий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Шундан сўнг Жалолиддин Румий Туркиянинг Кунё шаҳрига келиб, муқим яшай бошлайди ва мадрасаларда дарс беради.

## ХИКОЯТ

«Кунлардан бир кун курбака анхор бўйига сувдан сакраб чикса, уясидан чикиб турган сичкон салом берибди, курбака алик олибди. Икки орада дўстлик пайдо бўлибди. Сичкон дўсти билан сухбатлашиб тургиси келаркан. Аммо курбака сувга шўнгиб кетавераркан. — Мен сен билан чакчаклашиб юргим келади. Сен бўлсанг бир сония сухбатлашмасданок сувга тушиб кетаверасан, — дебди сичкон ўпкалаб.

— Ундай бўлса, узун ип топайлик-да, бир учини сенинг белиннга, иккинчи учини эса, менинг белимга боғлаб кўяйлик, қачон керак бўлсам, ипни тортсанг, чикиб келавераман, — маслахат берибди курбака.

Шундай килишибди хам. Иттифоқо бир куни сичкон уясидан чикиб, офтобда тобланиб ётган экан, учиб бораётган Лочин таппа чангаллаб, осмону фалакка кўтарилибди. Ипнинг иккинчи учида курбака хам жон ховучлаб бораркан. Нодон ва ножинс дўстнинг ақлсиз маслахати икковини хам овчи домига гирифтор этибди».

Барча манба ва тадқиқотларда Жалолиддин Румий камолотида буюк шоир ва шайх Шамси Табрезийнинг хам таъсири кучли эканлиги таъкидланади. Румийнинг ўзи бир шеърида «Агар Аттор менга рух бахш этган бўлса, Шамси Табрезий тилсим калитини тутказди», дейди. Зероки, 1245 йили Шамси Табрезий Кунёга келади ва Румий уч йил давомида ундан муттасил дарс олади: фалсафани, хусусан, сўфизм таълимотини

мукаммал эгаллайди ва батамом унинг рухиятига ўтиб кетади. Шунинг учун 1247 йилги бир исён пайтида Шамси Табрэзий бедарак йўқолгач, Румий ўз газалларида «Шамси Табрэзий», «Шамс» тахаллусларини қўллай бошлайди. Шарқда бу мулоқотлар хақида кўплаб ривоятлар тарқалган. Шоир газалларининг «Шамси Табрэзий девони» номи билан шухрат қозонишининг боиси ҳам шунда. Жалолиддин Румий 1273 йили вафот этган.

Жалолиддин Румийдан бизга қадар шеърлар девони, «Макотиб», «Фих мо Фих» ҳамда «Маснави маънавий» китоблари мерос бўлиб қолган. «Фих мо Фих» насрий асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва суҳбатлардаги фалсафий нутқларининг мажмуасидир. «Макотиб» эса муаллифнинг замондошлари ва устозлари билан бўлган турли ёзишмалари - мактубларидан иборат. Хар икки китобда ҳам муаллифнинг ижтимоий-фалсафий, ахлокий-таълимий мушоадалари ўз аксини топган. Шоир девони 25 минг байтдан зиёд шеърларни ўз ичига олган.

Жалолиддин Румий мажозий ишк билан илохий севгини шу даражада юкори пардада тасвирлайдики, профессор Р.Ходизода таъкидлаганидек, «ўқувчи газалларнинг сўфиёна маъносини батамом унутиб, уларни лирик шеъриятнинг тенгсиз намуналари» сифатида қабул қилади. Шоир аксарият шеърларида айрилик дардини ҳам, ошиқнинг ёрига илтижоси-ю хусну қамолини ҳам ажиб бир жозибада тасвирлайди:  
Аз рузу лаб гулшакар бисёр дорад хусни ту,  
Кошки бифрўхти, то пораэ бихаридаме.

(Сенинг хуснинг - юзингу лабларинг гулшакар манбаидир, кошки сотсанг эди, бироз харид қилган бўлардим.)

Шунинг учун ҳам ўтмишда яратилган кўп ишқий қиссаларда гох ошиқ тилидан, баъзан маъшуқа нутқидан Румийнинг газаллари кўплаб келтирилади.

Шоирнинг рубоийлари ҳам мавзу жихатдан ранг-баранг, гоъвий йўналиши, бадий қудрати нуктаи назаридан гоъта мумтоз ва жозибадордир. Уларда ишқ-мухаббат, ахлоқ-одоб, ижтимоий-фалсафий масалалар теран бир тарзда ифодаланган:  
Дури зи бародари мунофик бехтар,  
Пархез зи ёри номувофик бехтар.  
Хоки қадами ёри мувофик, хакко,  
Аз хуни бародари мунофик бехтар.

(Мунофик биродардан йирок юрган яхши, номувофик ёрдан қўнгил узмок яхши. Худо хакки, содик ёрнинг хоки пойи мунофик биродар қонидан яхши.)

Буюқ мутафаккирга оламшумул шухрат келтирган асар «Маснави маънавий» китобидир. Зероки, бу маснавийнинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлгани қаби, унда ифодаланган масалалар қамрови ҳам ҳад-худудсиз. Етти жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини шогирди Хисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, кейин тахрирдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг Румий асар давомини ўн йилда ёзиб тугатди. Китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам муаллиф номи дунёга қенг тарқалишига сабаб бўлади. Чунки, биринчидан, Жалолиддин Румий маснавийда Шарқу

Гарб олимларининг, хатто, антик дунё файласуфларининг фалсафий карашларини кенг ўқувчилар оммасига тушунарли ва содда бир услубда шеърий йўл билан таърифлаб беради, шарх-лайди; уларни исломий ахкомларга йўгириб, Куръон ва Хадислардан истифода этади. Тадкикотчилар «Маснавийи маънавий»да Румий Куръони Каримга 760 мартаба мурожаат этганини аниқлашган. Иккинчидан, у ўзининг ижтимоий-фалсафий, диний, сўфиёна карашлари бадиий ифодаси жараёнида жуда кўп хикоят, афсона, масал ва латифалардан фойдаланади. Санойи ва Аттот каби шоирлардан фаркли ўларок, Румий хикоятларида илохий ва ирфоний тафаккур инъикоси билан бирга хаёт хакикатига якинлик аниқ сезилади; уларнинг хар бирида киссадан хисса тарзида алохида хикматомуз хулосалар, панду танбехлар мавжуд. Масалан, «Баккол ва тўтининг ёғни тўкиб юбориши», «Савдогар ва унинг тўтиси», «Саховатда Хотами Тойдан ўтган халифа», «Казвинийнинг кураги остига накш тушириши», «Карнинг бемор кўшнисини кўришга боргани», «Лукмон ва куллар», «Мухтасиб ва маст» сингари юзлаб хикоятларда Жалолиддин Румий ношудлик, гирромлик, тухмат, калтафахмлик, такаббур, судхўрлик, баднафслик сингари гайриинсоний хатти-харакатларни каттик коралаб, аклу фаросат, сабру каноат, рост-гўйлигу халоллик, камтарлигу саховатпешаликни таргиб этади. «Мен етмиш икки миллат билан иттифоқда ва бирликдаман», деган Румий жуда кўп хикоя-ларида инсон кадрини улуглайди, инсонпарварлик гоёларини исломий акидалар билан чамбарчас боглаган холда таргиб ва ташвик этади.

«Уч ўғри ва богбон», «Лўли бола», «Туя ва хаммом», «Муаллим ва шогирд-лари» сингари бир туркум хикояларида Румий хаётий иллатлар, инсонларда учрайдиган салбий хислатлар устидан лутф билан кулади, хажвий холат яратади. Муаллимнинг локайдлиги, ўз касбига бефарк караши, камфаросатлилигидан фойдаланган ўқувчилар «устоз, бугун рангингиз саргайиб колибди, кўзларингиз каърига тортиб кетяпти» деб вахимага солиб, ўзларига кўшимча «озод кун» олишга муваффақ бўладилар. Умуман, китобда Румий хакикий ишк ва ислом маърифатини буюк бир санъаткорликда тараннум этишга эришган.

Истанбул шахридан 200 чакиримчалик гарбий-шимолда Кунё шахри жойлашган. Бу кўхна маънавият манзилгохига якинлашганингизда кўз олдингизда осмонўпар нилий гумбазли Жалолиддин Румий макбараси намоён бўлади. Обида рўпарасига келсангиз, унинг юз хил накшу нигорли зийнати кўзни камаштиради. Унга ганч ўймакорлиги, ёғоч ва мис кандакорлиги санъатининг кил-калам усталари кадимий услубда зеб берган. Бутун пештоқлар, деворлару устунларга, хатто дарча панжараларига Куръони Карим оятлари сабт этилган. Уларни ўқишга «тишингиз ўтмаса» хам мохиятини макбара гумбазининг кайси бир гўшасидан таралаётган най садоси вужудингизга сингдириб юбо-ради.

Хамиджон Хомидий